

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 27 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 188 (10.997)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фидокорлар миллий демократик, Ўзбекистон Халқ демократик ҳамда «Адолат» социал-демократик партиялари фракцияларининг қуий палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

●Тошкент Ахборот технологиялари университетида «ICI—2007» — Интернет, мобил, симсиз ва оптик толали алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси бошланди.

●Кеча Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва Интернет ресурсларини ривожлантириш омиллари» мавзусида медиа-форум бўлиб ўтди.

●Урганч шаҳрида «Оммавий ахборот воситалари ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик: муаммолар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

●Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши кўмағида пазандалик танлови ташкил этилди. Унда республика миллий-маданий марказларидан 11 та жамоа иштирок этди.

●Ўзбекистон—Корея дўстлик фондида корейс тилини ўрганувчи 9-11 синф ўқувчилари ўртасида нотиклик санъати бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

●Фидокорлар миллий демократик партияси Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан Гулистон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг тўрт нафар ўқувчиси «Фидокор» стипендиясини оладиган бўлди.

●Оҳангарон шаҳрида замонавий услубда қуриб битказилган 40 ўринли туғруқхона фойдаланишга топширилди. Унинг шинам муолажа ва ташхис хоналари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

●Андижон вилоят агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Кенгаши жорий йилги пахта ҳосили йиғим-теримида юқори кўрсаткичга эришадиган фермер хўжаликлари ҳамда теримчиларни тақдирлаш мақсадида қарор қабул қилди.

●Германиядаги DOS сертификатлаш ташкилоти томонидан Муборак газни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган яна бир маҳсулот—олтингургуртга «ISO 9001:2000» халқаро сертификати берилди.

●Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятлари ва Қарши шаҳрида «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдирот маросимлари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

●Япониянинг Либерал-демократик ҳуқрон партияси вакили Ятсуо Фукуда парламентда ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра бош вазир этиб сайланди. Фукудани парламентнинг фақат қуий палатаси қўллаб-қувватлаган бўлишига қарамай, эндиликда у Вазирлар Маҳкамасининг бошқаради.

●Кеча Европа Иттифоқи мамлакатда демократик жараёнлар бузилаётганлиги учун Мьянмага санкциялар белгиланишини билдирди.

●Покистон маъмурияти мамлакатда Президент сайлови яқинлашшиши муносабати билан террорчи-камикадзелар томонидан террорчилик ҳаракатлари содир этилиши мумкинлиги ҳақида кенг жамоатчиликни огоҳлантирди. Таъкидлаш керакики, Покистонда Президент сайлови 6 октябрь кuni ўтказилади.

●Яман ҳукумати «Powered Corporation» компанияси билан мамлакатда бешта ядро реактори қуриш юзасидан шартнома имзолади. Маълумотларга кўра шартнома қиймати 15 миллиард долларни ташкил этиб, у 2017 йилгача амал қилади.

●Чеченiston парламенти шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни мамлакат Президенти Рамзан Қодировни ҳақоратлагани учун судга бермоқчи. Халқ мажлисининг навбатдан ташқари йиғилишида шундай қарор қабул қилинди.

●Кеча Франция пойтахти Париж шаҳрида минглаб таксичилар ёнилғи учун имтиёзларнинг бекор қилиниши муносабати билан оммавий тарзда иш ташлашди.

●Хитой Олий суди электр узатиш тармоқларидаги мис симларни ўйраган кишиларга нисбатан ўлим жазосини қўллашга рухсат берувчи қарор қабул қилди. Бундан ташқари, 130 минг долларлик бундай маҳсулотни ноқонуний ўзлаштирган шахсларга ҳам олий жазо белгиланди.

●Япониянинг Toshiba компанияси ҳозирча дунёда ўхшаш йўқ HD-видеокамераларининг илк намунавий нусхаси тақдиротини ўтказди. Мазкур камера 1920x1080 ўлчамда бўлиб, бир сонияда 60 кадр тезлигида суратга олади. Мосламанинг хотира қуввати иш ҳажмига кўра 12 соатдан 23 соатгача етади.

●Сингапурлик олимлар парранда гриппига ўттиз дақиқа ичида ташхис қўювчи ихчамгина мослама яратишга муваффақ бўлишди. Мосламанинг оғирлиги 200 грамм бўлиб, ушбу янги технология асосида амалга оширилган ташхис ҳозирда мавжуд усулларга нисбатан ўн баравар арзонга тушади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

●БУГУН Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Халқаро мусиқа кuni муносабати билан тумандаги мусиқа мактаблари ўқувчилари, ўқитувчилари иштирокида ўтказилган тадбир ва концерт дастури «Замонавий чолгу асбоблари оҳанги» деб номланди.

●КЕЧА Алишер Навоий номидаги Давлат миллий кутубхонасида ўтказилган давра суҳбатида ёшларнинг ҳуқуқий-маънавий тарбияси шаклланишида кутубхонанинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

●КЕЧА «Ўзэксомарказ»да Чехия Республикаси фирма, компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси «Ўзбекистонда Чехия кунлари» тадбири доирасида ташкил этилди.

●ХАМШАҲРИМИЗ 60-мактаб ўқитувчиси Ноила Тукшайтова Германия Федератив Республикасининг «Германия Республикасида хизмат кўрсатган» ордени билан тақдирланди, шунингдек унга Халқ таълими вазирлигининг эсдалик совғалари тўхфа этилди.

●ТОШКЕНТ тиббиёт академиясида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб талабаларга тўхфа сифатида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган ёзги, қишки мавсумларга мўлжалланган, 3000 томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган спорт мажмуасининг очилиш маросими уюштирилди.

●АКЦИЯДОРЛИК тижорат «Турон» банки миҳозларига қулайлик яратиш мақсадида янги омонат турларини жорий этди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).


Кўргазмалар

ШАҲРИМИЗДАГИ МУҲТАШАМ «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МАЖМУАСИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА «ISTEХро-2007» ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. ҲАР ЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЗКЎР КЎРГАЗМА БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ПОЙТАХТИМИЗ ҲАМДА ҚАДИМИЙ ВА ГЎЗАЛ САМАРҚАНД ШАҲАРЛАРИДА ИШ БОШЛАДИ.



Инфокоммуникация технологиялари асосидаги мавжуд ва истиқболли хизмат турларининг бизнес ҳамжамияти ва давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, аҳолининг кенг қатлами учун намойиш этилаётган мазкур тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов сўз олиб, ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмадан кўзланган мақсад, унинг қатнашчилари орасидаги соғлом рақобат намойиш қилинаётган маҳсулотлар хари-дорлигини таъминлашга яхши муҳит яратишини алоҳида таъкидлади.

Мазкур кўргазмада намойишга қўйилган 300 дан ортиқ турдаги сифатли маҳсулотлари Ўзбекистон, Россия, Украина, Хитой, Жанубий Корея, Венгрия каби



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРИГИ

кўплаб давлатларнинг тизимли интеграция, мобил алоқа компаниялари Интернет-провайдерлари, телекоммуникация ҳамда компьютер ускуналарини ишлаб чиқарувчи, уларни етказиб берувчи 90 дан зиёд компаниялар тақдим қилишди. Қувонарлики, улар орасида жаҳонга машҳур «Siemens», «Motorola», «Alcatel», Хитой давлатининг таниқли «Hiawei» ва «ZTE Co» компаниялари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Жумладан, юртимиз ахборот технологиялари соҳасида етакчи ҳисобланган «USD-Micros», «Agata-Implex», «Sharifa-T», «Fido-bizness», «Baik Technologies», «АвиаБрок Консауд» компаниялари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона — «Коинот» маъсуляти чекланган жамияти ҳам ўз маҳсулотлари билан кўргазмалар экспозицияларидан муносиб жой олди.

Эътиборли томони, бу ерда онлайн-видео тизими ўрнатилди. Боиси, юқорида айтганимиздек, ушбу кўргазмалар бир вақтнинг ўзида Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида ўтказилмоқдаки, ташриф буюрувчилар бир йўла иккала кўргазмага қўйилган маҳсулотлар билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, тадбир доирасида давра суҳбатлари, анжуман ҳамда кўнгилочар лойиҳалар уюштирилиб, иштирокчилар қизиқиши орттиришга хизмат қилмоқда. Кеча эса кўргазма иштирокчилари шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимовнинг онлайн тарзда самарқандлик шахматчилар билан теккор усулда мусобақада қатнашганининг гувоҳи бўлишди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «ISTEХро-2007» ахборот-коммуникация технологиялари Миллий кўргазмасидан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЙАТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИ ТОМОНИДАН «ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА» МАВЗУИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ, УНДА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ МАВЖУД ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Олий Мажлис Сенатида ҚОНУНЧИЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллиkning дастлабки кунларидан бошлаб аҳолининг даромадлари даражаси ва фаровонлигини изчиллик ҳамда собитқадамлик билан оширишга, унинг эҳтиёжманд қатламлари, хусусан пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиб келинмоқда.

Семинар иштирокчилари иқтисодиётни ислоҳ этишнинг ҳар бир босқинида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлат томонидан устувор йўналиш сифатида белгиланаётганлиги алоҳида эътибор қаратилар. Ўзбекистонда 1997 йилдан бошлаб ҳар бир йил муайян ижтимоий масалани ҳал этиш мақсадида маълум йўналишга бағишланмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг қонунчилик базаси ва механизмлари мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига йўлланаётган давлат бюджети харажатлари ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Ёлғиз фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий ҳимоя этиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан ҳукумат ҳар йили махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 19 мартда ҳамда «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган фармонлари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган вазифаларнинг баъоят муҳимлиги ва алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Жорий йилда давлат бюджетининг аҳолини иж-

тимоий ҳимоялаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлар 54,3 фоизни, кам таъминланган оилаларга, шу жумладан ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун харажатлар миқдори бюджетда етти фоизни ташкил этади. Давлат ижтимоий сиёсати амалга оширилиши натижасида эҳтиёжманд оилалар ва одамларга ёрдам кўрсатишга табақалаштирилган тарзда ёндашув кучаймоқда, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари ҳар бир тоифасидаги мавжуд қийинчилик ва муаммолар ўрганиб боришмоқда ҳамда уларнинг талаб-эҳтиёжлари имкон қадар қаноатлантирилмоқда.

Семинарда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса маҳаллалар катта иш олиб бораётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Масалани муҳокама этиш асносида семинар иштирокчилари аҳолининг ижтимоий ҳимояга биринчи галда муҳтож тоифаларини — кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларни, талабалар ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолаётганлигини қайд этдилар. Жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ўзаро ҳайрихоҳлиқни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш шунга боғлиқдир. Тадбир иштирокчилари ўзаро фикр алмашдилар, ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини янада оширишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар билдирдилар.

Семинар ишида сенаторлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Маҳалла» жамағмаси, шунингдек бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Марказий сайлов комиссиясида БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА САЙЛОВНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲОЛИСОНА ЁРИТИШГА ОИД БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.

Очиқ ва эркин сайловларнинг демократик принципларга мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун талабларига асосан оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлиқнинг бориши ва сайлов жараёнини кенг ёритиб боради. Бунда, айниқса, телевидение ва радио алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда Ўзбекистон теле ва радиоканаллари кўрсатув ва эшиттиришлари нафақат мамлакатимизда, балки, сунъий йўлдош ва Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтасидан кўриш ва тинглаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан миллий сайлов қонунчилигимизни сайловчилар орасида тушунтириш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш, сайлов жараёнининг очлиқлиги, ошқоралиги ва транспарантлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ўтказилаётган сайлов жараёнидаги асосий тадбирларнинг босқичлари, муддатлари ва мазмунини ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида мазкур битим имзоланди.

— Ушбу битим Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле ва радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни

(ЎЗА)

ИШГА АМАРҲАМАТ!

— Бугунги кунда туманимизда 49 та маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларда 277,8 мингта аҳоли истиқомат қилади. Улардан доимий банд бўлмаган фуқароларни туманимиз, пойтахтда фаолият юритаётган йирик, кичик, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот, муассаса, идораларга ишга жойлаштириш асосий вазифамиз саналади. Жумладан, бошқармага қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ишлари қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Аввало, доимий иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларга ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга йўланмалар беришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Барча ишларимизда маҳаллалар оқсқоллари, фаоллари ёрдамига таянамиз, улар билан доимий ҳамкорлик қиламиз.

Марказимиз ишини Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Адлия вазирлигида тасдиқланган «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик на-

фақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда бош бошқармаимиз томонидан берилган йўналишлар бўйича ташкиллашти-

Бандлик АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

ганмиз.

Жорий йил бошидан (саккиз ой давомида) бизга 2883 нафар фуқаро ишга жойлашиш мақсадида мурожаат қилди. Улардан 1953 нафари туманимизда фаолият юритаётган корхоналарга ишга жойлаштирилди. Жумладан, 122 нафар фуқаро жамоат ишларида жалб қилинди. 122 нафар фуқаро ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юборилди.

Туманимизда ҳозирги кунгача 3284 та янги иш ўринлари яратилган. Жумладан, туман-

ҳозирда долзарб ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва қўшимча касбларга ўқитиш тошкент шаҳар ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси тасарруфидаги барча туман бандликка кўмаклашувчи марказларининг асосий иш фаолиятларини ташкил этади. Бугунги суҳбатдошимиз Шайхонтоҳур туман бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари РАФИК КУДЯКОВ ЖАМОАНИНГ БУ БОРАДАГИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАРНИ ҲАҚИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:

даги кичик корхона ҳамда микрофирмалар ҳисобига 1844 та; қасаначиликни ривожлантириш асосида 523 та янги иш жойлари (йирик корхоналар ҳисобига 284 та иш ўрни тўғри келди) ташкил этилди.

кўрсаткичлари сезиларли ортган. Боиси эса давлатимиз томонидан иқтисодиётимиз ривожига қаратилаётган эътибор, хусусий тадбиркорларимизнинг эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар ҳамда ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлигидир.

Марказимиз аҳил жамоасининг саёй-ҳаракатлари билан ақинда (жорий йил бошидан буён бешинчи) Ҳадра майдонида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси уюшқоқлик билан ўтказилди. Унга барча маҳаллалардан доимий банд бўлмаган аҳоли тақлиф этилди. Айниқса, Ибн Сино, «Камолон», «Нишонгузар», «Тинчлик» маҳаллалари фаолларининг марказимиз жамоаси билан ҳамкорликлари тахсинга лойиқ.

Шу кун аҳоли учун 26 та корхона 1777 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркасида жами 325 нафар фуқаро фаол қатнашган бўлса, улардан 82 нафарига хоҳиш-истакларига кўра ишга йўланмалар берилди (шулардан 64 нафарини аёллар ташкил этди). Шунингдек, 17 нафар фуқаро ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга йўланмалар билан юборилди. Эътиборли томони, малакали мутахассисларимиз қизиқчиларга керакли маслаҳатлар бериш билан бирга, марказимизнинг кенг қамровли фаолият доираси, мақсад ва вазифалари хусусида ҳам тушунтириш беришди.

Туман аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш доимий эътиборимизда. Масалан, 18 ёшгача ва 2 ёшгача болалари бўлган ишлаймидиган оналарга давлат ижтимоий ёрдамиини етказиш мақсадида 471 та (18 ёшгача) ва 754 та (2 ёшгача) оилаларга 50 миллион сўмдан ортиқ нафақа пули берилди. Бундан ташқари, кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож 2111 та оилага 121 миллион 708 минг сўмлик ёрдам пули тўланди...

Келгусига белгиланган режаларни ҳам қатъий, белгиланган муддатларда баҳарши йўлда меҳнат қилишни марказимиз жамоаси ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Муассар АБДУРАСУЛОВА



СУРАТЛАРДА: бошқарма тасарруфидаги ўқув маркази машгулотлари жараёнидан лавҳалар.



ЭРТАНГИ УМИД ЮЛДУЗЛАРИМИЗНИНГ ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИГАН ГЎЗАЛ ХУЛҚ-АТВОРЛИ, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, БИЛИМЛИ ҲАМДА БИРОН КАСБ-ХУНАР ЭГАСИ, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИБ ЕТИШИШИ БОРАСИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ТАЪЛИМ СОҲАСИДА САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. 2-ТОШКЕНТ ЮРИДИК КОЛЛЕЖИДА БЎЛГАНИМИЗДА УШБУ ЎҚУВ МАСКАНИ ДИРЕКТОРИ, ЮРИДИК ФАНЛАР НОМЗОДИ АБДУМУХТОР ҲАСАНОВ ЖАМОАНИНГ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

Ёшлар — келажакимиз

КОЛЛЕЖ ЖАМОАСИ ДОИМИЙ ИЗЛАНИШДА

— Юртимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, малакали мутахассислар этиб тайёрлаш касб-хунардан коллежлари олдига турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳуқуқий демократик давлат қуриш гоёси илгари сурилдики, ушбу гоё ва уни амалга ошириш биринчи галда ҳуқуқшунослар зиммасига катта масъулият юклайди. Юртимизда халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши ва ҳуқуқшуносликни ривожлантиришга катта эҳтиёж сезилди. Малакали ҳуқуқшунослар тайёрлашда коллежимиз аҳил жамоасининг ҳам муносиб ўрни борлигини айтиб ўтмоқчиман.

Таълим масканимиз 1967 йилдан Республика касб-хунардан билим юрти, сўнгга Ижтимоий таъминот техникуми, 2003 йилдан эътиборан эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғига асосан 2-Тошкент Юридик коллежи сифатида фаолият юритмоқда. 2003-2004 йилларда коллежда қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилди ҳамда ҳозирда ўқувчиларимизнинг «Хуқуқ ва ижтимоий муҳофаза», «Хуқуқ ва ҳўжалик фаолияти», «Хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти» йўналишлари бўйича тахсил олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хусусан, замонавий, талаблар даражасида жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари, кафедралар учун алоҳида хоналар, махсус фан хоналари, Маънавият ва маърифат хонаси, 75 ўринли маъруза хонаси, 2 та тўла жиҳозланган спорт зали, ошхона, 120 ўринли 4 мингта адабиётга эга бўлган ахборот-ресурс маркази ўқитувчи ва ўқувчиларимиз иштиёрида.

Эътиборли томони, коллежимиздаги 2000 нафарга яқин ўқувчиларга 110 нафардан ортиқ малакали, касбининг жонқурлари — уч нафар фан номзодлари, 20 нафар олий тоифали, 21 нафар биринчи тоифали, 19 нафар иккинчи тоифали ўқитувчилар ва ёш мутахассислар замонавий касб таълими сабоқларини сингдирмоқдалар. Ўқитувчиларимизнинг малакасини ошириш, замон билан ҳамнафас қилиш ҳамда жамиятимизда рўй бераётган янгилардан доимий хабардор этиш мақсадида Меҳнат ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бошқарма ва бўлимларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг малака ошириш курсларида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат юридик институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети каби билим масканларида малака ошириш курсларида ўқишлари ташкиллаштирилмоқда.

Коллежимизнинг ўқув дастури, дарс жараёнининг тўғри ташкил қилиниши ўқувчиларга замонавий билимларни етказиш, ўқув фанларини босқичлар бўйича тўғри тақсимлаш ва таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятини чуқур таҳлил этиш имкониятини яратди.

Таълим масканимизда ўқувчиларнинг олган назарий билиминини амалиёт билан мустаҳкамлаш эътиборимизда. Шу боис ҳам ўқув дастурининг маълум қисмида ўқув жараёнида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, иш кўникмаларини ҳосил қилиш учун кўплаб ташкилотларда узок йиллик шартнома асосида амалиёт ўташлари кўзда тутилган...

Коллежимизда ўқувчиларнинг дарслардан бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ўқиш давлари сермазун, марокли ўтиши учун тўғрақлар катта аҳамият касб этади. Айниқса, спорт секцияларида: футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича машгулотларга ўқувчилар фаол қатнашади ҳамда коллежда, туман, шаҳар миқёсида ўтказилган мусобақалар, учрашувларда совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Шунингдек, ўқувчилар билан маънавий-маърифий, иқтисодий, сиёсий ва албатта ҳуқуқий мавзуларда турли кўрик, семинар, давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилмоқда. Атоқли ҳуқуқшунос олимлар, ушбу соҳанинг етакчи мутахассислари, жамоат ва давлат арбоблари, таниқли ёзувчилар, прокуратура ва ички ишлар ходимлари билан учрашувлар режа асосида ташкиллаштирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳуқуқий демократик давлат қуришда қатнашадиган ёшларимизнинг билимли, юксак маданиятли, зукко, жисмонан бақувват бўлишлари, ҳаётда муносиб ўринларини топишларида коллежимиз жамоаси доимий изланишда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Мулоҳаза

МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ИНТИДИНГ

ҲОЗИРГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА МУТАХАССИСЛИГНИНГИЗГА КЎРА ЎЗИНГИЗ ХОҲЛАГАН ИШНИ ТОПИШ УЧУН АНЧА ТЕР ТЎКИШИНГИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ИШ ЎРНИ СИЗГА МАЪҚУЛ БЎЛИБ, АЙТАЙЛИК, ФАОЛИЯТИНГИЗНИ ЯНГИ ЖАМОАДА БОШЛАБ ЮБОРДИНГИЗ...

Шу боис сиз қандай фазилатлар соҳиби бўлишингиз лозимлиги ҳақида бироз мулоҳаза юритсак. Масъулиятдан асло қочманг. Ишга доимий равишда ўз вақтида келишга қатъий одатланг.

Иш стилингизни саранжом-саришта сақланг. Аввало ўз вазифаингизни аниқ, тўлалигича билиб олишингизни маслаҳат берамиз. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ёш мутахассислар аксарият ҳолларда хато қилиб қўйишдан қўчиб (қўпинча масъулиятли мутахассис ёки ишчи сифатида кўриниш мақсадида ҳам) боз-боз ҳамкасбларига саволлар билан мурожаат қилиб, жамоадорларини тез орада ўзидан бездириб қўйишади. Гоҳо эса аксинча, янги ишга келган ишчи-хизматчилар вазифаларини бажариш учун улардан нима талаб қилини-


шини сўраб-суриштиришни ўзларига эп кўришмайдилар ва ўз билганларича иш туттишади.

Мабодо берилган топшириқни кўнгилдагидай бажаришингиз удадасидан чиқолмадингиз, бу ҳолда асло руҳан тушкунликка тушманг. Мухими, ишни чала ташлаб қўйманг ҳамда қандай хатоларга йўл қўйганлигингизни яхшилаб ўйланг, мулоҳаза қилиб кўринг. Иш вақти тугаб, ҳамма уйга кетганда ҳам ишни охирига етказмагунча тиниб-тинчимасангизгина, мақсадга етасиз. Шундагина ўзингизга ишончингиз ошади.

Аммо ишонч ҳисси билан ўзингизни ноёб ходим ҳисоблашингиз ўртасида жуда катта фарқ бор. Мағрурланиб, бошқалардан ўзини устун қўйиш ҳамкасблар орасида обрўингизни

тушириб қўяди. Мухими, ўз мутахассислигингизни чуқур, пишиқ-пукта эгаллаганлигингизни англаган вақтингизда ҳам ўз устингизда ишлашни бўшаштирманг. Ахир энди мартабанингизни ошириш вақти етди. Бу вақтда сиз ишга янги келган ходимларни қўллаб-қувватлашни ёдингизда сақланг. Боиси, сиз ҳам ақингизда худди шу ёшлар каби иш бошлагандингиз.

Ўзига ишонган ходимнинг бошқалар учун ҳам масъулияти унинг энг яхши фазилати ҳисобланади. Ортидан бошқаларни эргаштира оладиган раҳбар бўлишни мақсад қилиб, олға интилсангиз, албатта орузингиз ушалади. Шундай мутахассислар сафи ортгани сайин жамиятимизда илгор инсонлар кўпайиб, ҳаётимиз янада фаровонлашади.



МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛАДИМИ?

Ишга кирувчи барча ходимлар ёки бир корхонада узок (10-20) йиллардан бўён ишлаб келаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш шартми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Абдумалик Усмонов, Юнусобод тумани.

Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилдаги Қонунига асосан республикаимиздаги барча корхона ва муассасаларда (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кўнча эга бўлган икки нусхада тузилиши ва ҳар бир тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши зарур.

Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг қилишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш кўни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса унинг тугаш муддати, меҳнат ҳақи миқдори ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

НАФАҚАМГА ҚЎШИБ БЕРИЛАДИМИ?

Уч йил аввал ногиронлик пенсияси ола бошладим (соғлигим ёмонлашганлиги

боис). Кейинги йил эса 60 ёшга кирман. айтинг-чи, ёшимга доир нафақа ногиронлик нафақамга қўшиб бериладими? Даврон Пўлатов, II гуруҳ ногирони, Мирзо Улўғбек тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 292-моддасида «Пенсия гуруҳини танлаш ҳуқуқи» кўрсатилган.Турли хил давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурта қилинган ходимларга (боқувчисини йўқотган ҳолларда эса уларнинг оила аъзоларига) уларнинг ўзлари танлаган пенсиянинг битта тури тайинланади.

БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИМИ?

Яқинда мени ўз вазифамдан бошқа ишга асоссиз равишда ўтказишди. Корхона раҳбарининг бу иши қонунга зид ҳисобланмайдими?

Маъсуда Ўлмасова, ишчи.

Меҳнат Кодексининг 92-моддаси талабларига биноан ходимини бошқа доимий ишга ўтказишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака ва лавозимга оид ишни топиширишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида ёзувлар меҳнат дафтарчасида қайд этилади.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш зарурати ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимини унинг розилигисиз ҳам вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилиши мумкин.

Таълим

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» МАВЗУИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ВАТАН ТАҚДИРИ, БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГГА УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТАДИГАН, МУСТАҚИЛ ВА ЯНГИЧА ФИКРЛАЙДИГАН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУҲИМ МАСАЛА ЭКАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ.

Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўган семинарда давлатимиз раҳбари маърузасида бегиллаб берилган вазифаларнинг ижроси билан бслиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Маъмур институт ректори, педагогика фанлари доктори Х.Йўлдошев, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Имомов мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама тук инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз раҳбари ютаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади. «Таълим тўғрисида»ги қонун, даврлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълиминини ривожлантириш Давлат ууммиллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарас туфайли мактаблардаги шароит тубдан ўзгарди, тарнинг моддий-техник базаси янгиланмоқда, таълимнинг мазмунини ва сифати тобора такомиллашмоқда. Илги миллий таълим стандартлари амалиётга жорий этиляпти, давр талабига монанд дарсдиқлар ва мсус ўқув қўлланмалари яратилаётир. Педагоглар меъати муносиб рағбатлантирилмоқда.

Семинарда қайд этилганидек, бугунги давр ёш авлодни маънавиятимизга ёт гоълар таъсиридан ағаш, Ватан тақдирини учун дахлдор, фидойи инсонлар этиб тарбиялашни талаб этмоқда. Бу эса ота-оналарни меълилар, маънавият тарғиботчилари билан бирга ёшарга таълим ва тарбия берувчи ўқитувчи ва мураббilar зиммасига катта масъулият юклайди.

Тадбирда педагогларни қайта тайёрлаш ва маъкасини оширишни замон талаби асосида ташкил иш, таълим масканларида маънавий-маърифий дастуларини самарали ўтказишга оид маърузалар тингланг.

Назозат УСМОНВА, ЎзА муҳри

Иқтисодиёт

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАСАНАЧИЛИК ҲАРАКАТИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАЁТГАН БУГУНГИ КУНДА ЖОЙЛАРДА КЎПЛАБ ИИ ЎРИНЛАРИ ЮЗАГА КЕЛМОҚДА. БУНДАЙ ХАЙРЛИ ИШГА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «СОВПЛАСТИКАЛ», «ОНИКС», «ТОШКЕНТЎҚИМАЧИ» КАБИ ЙИРИК КОРХОНАЛАР МУНОСИБ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИБ КЕЛМОҚДАЛАР.

Биргина Собир Раҳимов туманидаги 10 та корнада 200 га яқин киши иш билан таъминланди. Бдан ташқари Карлар жамиятига қарашли биринчи ўқушлаб чиқариш корхонасида қасаначилар учун 25 ташчи ўрни ташкил этилди. Улар томонидан 25 миллион сўмлик миқдорда ишчи қийимлари, қўлқоп, чшаб каби махсулотлар тикилди.

Тумандаги «Истиклол» маҳалласида шойи гаама чеци очилди. «Иброҳим ота» маҳалласида бунёдтилган чех эса совгабоп буюмлар тайёрлашга кириди.

Ҳозир бу чехларда 50 га яқин киши меҳнат ллан банд.

СИФАТИ КАФОЛАТЛАНГАЙ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТАРТИБОТИНИ СОДДАЛАШТИРИШГА ДОР ЧАРО-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОИ КИЧИК БИЗНЕС, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИБ БЕРДИ. «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДА ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН СИФАТ КАФОЛАТИ БЕРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИДОРАЛАРИДАН БИР НЕЧТАСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ.

«Тибу стандарт сервис» масъулияти чекланган змияти ҳузурида иш бошлаган сертификатлаштиришдораси ҳам сифатни бошқариш, миҳозлар ишлабикараётган махсулотнинг давлат стандарти метёёрлига жавоб беришини таъминлаш билан шугулланмоца.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангй лабораториясига эга бўлган бу идора йил давомида300-350 нафар миҳозга хизмат кўрсатади. Сертификатлаштирилган корхоналар махсулотлари «Ўзбекитонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида турли қизғамаларда намоиш этилиб, четга ҳам экспорт қинади. Бу эса сифат кафолатига эга бўлган махсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга кенг йўл очади.

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ БИЛАТ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «4-ҚУРИЛИШ ТРЕГИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН Ғ ЙИЛ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА. ЎЗБЕКИСТЎ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ.

Қўли гул қурувчилар ғайрати билан қатор тълм муассасалари сифатли таъмирдан чиқди. Чилонэз автомобил йўли касб-хунардан коллежда бунёдкорли ишларини олиб боришда Равшан Абдувоҳидов, Абдраббор Раҳмонов бошлиқ бригадаларнинг хизматиқатта бўлди. Беш юз нафардан ортик бинкорни ўз итрофига бирлаштирган трест жамоаси Тошкент Двлат педагогика университети ҳузуридаги академик ицей қурилишида ҳам фаоллик кўрсатди.

Акбар АИЕВ

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунли олдидан

Бизнинг бугунги қаҳрамонимиз Юсуфжон Неъматов ҳам бу касбни болалигидаёқ танлаб олган эди. Юсуфжон ўта камтарин, сергайрат, меҳнатсевар, талабчан инсон. У дастлабки билимларини Тошкент шаҳридаги 41-ўрта мактабда олди.

У ёшлигидан китобни кўп ўқир, ўқиганларини ўз тенгдошларига сўзлаб беришни, нималарнидир уларга ўқитишни яхши кўрар эди. Баъзан ўз устози Фазилат опа Ҳакимовага тақлид қилиб юриштириш қилар, савол-жавоблар суҳбатлар уюштирар эди. Юсуфжон айниқса, аниқ фанларни хуш кўрар, кимёвий тенгмаларни тезда ечар, уларни ёд олар, кимёвий машқ-амалиётни яхши кўрар эди. Пробирка, колба, спиртовка каби махсус асбоб-ускуналар, идишларга зўр қизиқиш билан боқар, баъзан уларни ушлаб ва хаттоки ҳидлаб ҳам кўрар эди. Химия дарсига доимо тайёр келар, ҳар вақт аёло баҳо олар, фанга оид турли-туман саволлар берар, кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қилар эди.

Юсуфжондаги химия фанига бўлган қизиқиш уни 1958 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини (ҳозирги университет)нинг химия-биология факультетига ўқишга етказди. Институтда тахсил олиш баробарида Юсуфжон Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги «Усимлик моддалари кимёси» илмий-тадқиқот институтини ишлади, олган назарий билимларини амалиётда мустахкамлади.

Олий ўқув юрти муваффақиятли тугатиб, 1967 йилда Шайхонтохур туманидаги 11-ўрта мактабда ўзи орзу қилган касбини — ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Кейинчалик Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимида ва 169-мактабда химия ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1974 йилдан то меҳнат фаолиятининг охиригача Тошкентдаги 243-мактабда химия фанидан ўқувчиларга дарс берди. У ўз фани ва болаларни жуда сеवार эди.

Аста-секин фан ўқитувчиси сифатида танила бошлади. Тинмай ўзи устида ишлади, кўп ўқиди, ўрганди, фани бўйича мақолалар ёзди, семинар — кенгашлар ташкил этиб, очик дарслар, намунавий машғулотлар ўтказди, Юсуфжон ака дарсларида кўргазма-

ли қуроллардан унумли фойдаланар эди. Ўзи ҳам мактабда 9-11 синф доирасида химия фанига ихтисослаштирилган махсус синф очди, дастурини ишлаб чиқди. Унда химия фани чуқурлаштирилиб ўқитилди. Ўқувчи мактабни тугатганда «Етуклик гувоҳнома»сига «Лаборант-химик аналитик» ёзуви қайд этиладиган

КАСБГА САДОҚАТ



**УСТОЗУ
МУРАББИЙЛАР,
ТАРБИЯЧИЛАР
МЕҲНАТИНИ ҲАР
КАНЧА УЛУГЛАСАК
УЛАР ҚАДР-
ҚИММАТИНИ ҲАР
КАНЧА КЎКЛАРГА
КЎТАРИБ,
ЭЪЗОЗЛАСАК ШУНЧА
ОЗ. ШУНИНГ УЧУН
УЛАР НОМИНИ БОТ-
БОТ ЁДГА ОЛИБ,
МЕҲНАТИНИ МАДҲ
ЭТИШ МАҚСАДГА
МУВОФИҚДИР.**

бўлди. Махсус синф битирувчиларининг деярли ҳаммаси институт ёки университетларга ўқишга киришди. Кўплаб ўқувчилари фан олимпиадаси ғолиби бўлишди. Ота-оналари, ўқувчи-ёшларнинг барча барчаси устозларидан хурсанд.

Моҳир педагог Юсуфжон Неъматов ўз тажрибалари билан касбдошларини бохабар қилиш мақсадида кўпгина бошқа мактабларда ҳам очик дарслар ташкил қилар, ўқитувчиларнинг аънавий август кенгашларида маърузалари билан қатнашар эди. Ҳар бир шоғирди билан ақлама-якка шуғулланар, суҳбатлар ўтказиб, билим ва тажрибаларини ўргатар эди. Юсуфжон ака кўп вақт шаҳар ва республика миқё-

сидаги нуфузли илмий педагогик ташкилотлар илмий-методик кенгаш аъзоси, фан бўйича ИМК раиси бўлиб фаолият кўрсатди. Мустақиллик шарофати билан янги ўзбек муаллифлари яратган химия фани дарсликларига тақризчи сифатида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди, керак жойида ёрдам кўрсатди.

Ўз фаолиятида таълим жараёнини тарбия билан ҳамоханг олиб борди. У фаолият кўрсатаётган 243-мактабда «Ота-оналар университети» машғулотларини ташкил этиб, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустахкамлади. Шу сабабли мактабда ва маҳаллада тарбияси оғир» деган боланинг ўзи йўқ эди.

Ю.Неъматов ўз фаолиятини Низомий номли ТДПУ билан ҳамкорликда олиб борди. Шу боис талабалар амалиётни моҳир устоз ишлаётган 243-мактабда ўтказар эдилар. У ўз устозлари ва шоғирдларига доимо эътиборли. Фазилат Ҳакимова, Зухра Мустафая сингари химия фани устозлари ҳолдан доимо хабар олиб, уни хушнуд этиб туради.

Давлатимиз томонидан Юсуфжон Неъматовнинг халқ таълими соҳасидаги серунумли меҳнати юксак қадрланди. У «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» (1981й), «Ўқитувчи-методист» (1990й), Республикада хизмат кўрсатган «Халқ таълими ходими» (1992й), Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси» (1996й) каби фахрли унвонлар билан тақдирланди. Юсуф аканинг бу сингари барча эришган ютуқлари замирида ўзининг сермашаққат меҳнати, онаизори дуо-сию, устозлари ўғитлари ётади, десак муболаға бўлмас керак. Айни кунда нафақада қариллик гаштини суриб неварар-эваралари даврасида эъзозу иззатда умр кечирмоқда.

Дарҳақиқат, Юсуфжон Неъматовнинг педагогик фаолияти, босиб ўтган ҳаёт йўли мустақил юртимиз эгалари бўлиш ёшларга билим чўққиларини пухта эгаллашларида ўрнат бўлиши билан бирга, уларни ҳалолликка, меҳнатсеварликка, талабчанлик ва энг муҳими Ватанини, халқни севишга, уларни ардоқлашга ундайди деган умиддамиз.

**Дилрабо ОБИДОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари универси-
тети халқроқ журналистика факультетининг 1-
курс талабаси**

Умуммиллий дастур — амалда

Янги ўқув йилига совға

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН. БУ БОРАДА «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА УНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ БЎЛГАН «МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2004-2009 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОН БУГҲН ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

Хусусан ўтган йиллар мобайнида Республикаимизнинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларида замонавий услубдаги янги мактаб, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари барпо этилди ва у бугунги кунда ҳам узлуksиз давом этмоқда. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак таълим тизимини такомиллаштириш, янги ўқув юрталарини барпо этиш учун давлат бюджети ва бюджетдан ташқари беш миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфланди. 4700 га яқин мактаб бутунлай қайтадан қурилиб капитал таъмирдан чиқарилди. Янги ўқув йилида Шайхонтохур туманидаги 169-мактаб ҳам бутунлай ўзгача қиёфада ўз ўқувчиларини бағрига олди. Кўркам, ёруғ синф хоналари, замонавий жиҳозлар билан таъминланган фан кабинетлари, ўқув лаборатория устуналари, компьютерлар, спорт анжонлари билан жиҳозланган очик ва ёпиқ турдаги спорт зали ва майдонлари, кичик теннис корти, бир сўз билан айтганда бўлсак, жаҳон андозалари даражасига тенгланган таълим маскани кўрган кўзларни қувонтирмоқда.

— Янги ўқув йили биз учун жуда омадли келди, таълим масканимизга қадим қўйган ўқувчилар, ота-оналар ва меҳмонлар давтавал уни танимай қолганларига шубҳа йўқ, — дейди фахру гурур билан 169-мактаб директори Ёркиной Маматова. — Чунки тўлиқ реконструкция қилиниб капитал таъмирдан чиқарилган, 1200 ўринга

мўлжалланган мактабимиз бутунлай янги, кўркам қиёфа касб этди. Ўқувчиларнинг пишиқ-пухта билим олишлари, спорт билан шуғулланиб соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳар бир синф янги жиҳозлар билан таъминланди, янги модификациядаги компьютерлар, ўқув ва спорт анжонлари, айниқса ёпиқ спорт залидан ташқари ўриндиқлар ўрнатилган спорт майдони ва мини теннис кортининг фойдаланишга топширилгани ўқувчилар қувончига қувонч қўшди. Булардан ташқари юқори синф ўқувчиларининг билим олиш билан бирга касб-хунар эгаллашлари учун барча зарур анжонлар билан жиҳозланган бинода тикувчилик, пазандчилик, чилангарлик, дурадгорлик йўналишлари бўйича ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди. 100 кишига мўлжалланган ораста ошхона ҳам ўқувчиларимиз учун хизмат қилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ўқитувчи ва ўқувчилар учун яратилаётган бундай имконият ва шарт-шароитлар бизга ҳам давр талаби даражасида ёшларга таълим ва тарбия берилиши масъулиятини юклайди. Ўз касбини севаган, элим, юртимга муносиб хизмат қиламан, деган 64 нафар устоз-мураббийлар мана шундай хайрли ният билан янги ўқув йилини бошладилар. Ишонманки, бизга берилган имконият ва қулайликдан унумли фойдаланиб илмни, соғлом, эртаимизга му-

носиб авлодни вояга етказамиз.

Биз 169-ўрта мактабни айланар эканмиз, болажонларимизнинг бир хил мактаб формасида, гулгун яшнаб юрганларини, кўзларидаги меҳрни, шукроналик, фахрни кўриб кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Зеро Президентимиз «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деб бежизга таъкидламаганлар. Соғлом авлод, соғлом миллатгина мустақил Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзанди, эртаимиз издоши, порлоқ келажгимиз яратувчилари бўлади. Бугун уни биз ўғил-қизларнинг ёпиқ кўзлари, мақсад сари интилиш ва шиқоатларида кўриб турибмиз.

«Меҳр нури» жамғармаси ва бошқа ҳомийлар кўмағида бирин-кетин фойдаланишга топширилаётган бир қатор ўқув юрталари, мактаб ва касб-хунар коллежлари юқоридаги хайрли ният йўлида амалга оширилмоқда. Ишонимизки, устозлари бошчилигида ўқувчи-ёшлар ҳам ўзларига яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, уни қадрлаб, асраб-авайлаб, бу иншоотлар кейинги авлодларга ҳам хизмат қилишини ёддан чиқармайдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: 169-ўрта мактаб мана шундай қиёфа касб этди, дарс жараёнидан лавҳалар.**

Козим Ўлмасов олган суратлар



Анжуманлар

ТУРИЗМ ВА ЭКОТУРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

ИЖТИМОЙ-ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИЛГОР СОҲАЛАРИГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН ТУРИЗМ ВА УНИНГ ЖАДАЛ СУРАТЛАРДА РИВОЖЛАНАЁТГАН ҚИСМИ — ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ҲИССАСИ БЕҚИЁСДИР.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳамда барқарор ривожланишда, табиат ва маданият ёдгорликларини сақлашда, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини яхшилашда, даромадларини оширишда, хизматлар соҳасини ривожлантиришда экологик туризмнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда «Экосан» халқаро ташкилоти, «Экосан-тур» халқаро экологик туризм маркази томонидан «Марказий (илгарги «Шератон») меҳмонхонасида Ижтимоий ҳимоя йили ва Бутунжаҳон туризм кунига ба-

ғишлаб «Туризм ва эко-туризм ижтимоий ҳимоя ва барқарор ривожланиш мақсадида» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, туристик фирма ва компанияларнинг раҳбар ва вакиллари иштирок этишди. Анжуманда таъкидланганидек, туризм, экотуризм барқарор ривожланишининг, ижтимоий ҳимоятнинг муҳим омилларида ҳисобланади ва кам таъминланганликни камайтиришда, бошқа имкониятларга эга бўлмаган чекка минтақаларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали янги

иш жойларини барпо қилишда, минг йиллик мақсадларига эришишда самарали восита ҳисобланади. Шунингдек, конференцияда вазирликлар, идоралар, вилоятлар ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқуланган «Экология ва саломатлик кунлари» тадбирлари доирасида «Экосан-тур» халқаро экологик туризм Маркази билан ҳамкорликда аҳолини экотуристлик фаолиятга кенг жалб қилиш борасида қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига ўз Низомида кўрсатилган ва-зифаларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари аъзоларининг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил қилишда

экологик туризм имкониятларидан кенг фойдаланиш тавсия қилинди. Шу билан бирга ёшларнинг бўш вақтларини самарали ва фойдали ташкил қилиш мақсадида «Камолот» ЕИХ «Экосан-тур» маркази билан ҳамкорликда ёшлар экологик туризмининг, айниқса талабалар ва ўқувчилар орасида ривожлантириш мақсада мувофиқ бўлиши айтиб ўтилди. Анжуманда сўз олган Туркменистон, Ҳиндистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчилари халқаро экотуризмни ривожлантиришда кўмак беражакликларини айтиб ўтдилар.

Анжуман доирасида ташкил қилинган кўргазмаларда Ўзбекистоннинг, умуман Марказий Осиёнинг туристик ва экотуристлик салоҳияти ва имкониятларини, бой табиати гўзаллиги ва бетакрорлигини очиб берувчи, тарихий, архитектура аҳамиятига эга бўлган турли экспонатлар, халқ ижодиётининг намуналар, фотоэкспозициялар, бадиий асарлар, плакатлар намойиш этилди.

Дилором ИКРОМОВА

Болалар адабиёти бурчаги

ДОНО СЎЗИ—АЪЛО СЎЗИ

**Ҳалолликдан бериб сабоқ,
Иқбалимиз йўлни очсан.
Гар адашсак қилиб оғоҳ,
Одобимиз гулчи очсан.
Отамизнинг доно сўзи—
Отамизнинг аъло сўзи.**

**Ватан меҳрин қилиб ғоя,
Ёрқин қилар онгимизни.
Хўр замонга кўприк, дея
Улуғайди бобомизни.
Отамизнинг доно сўзи—
Отамизнинг аъло сўзи.**

**Гоҳ ёмоннинг қинғир
йўли.
Қалқон бўлиб тўсган
дадил.
Яшилларнинг топиб
кўнглини
Ҳақиқат-чун турган
одил—
Отамизнинг доно сўзи—**

Отамизнинг аъло сўзи.

**Сабот билан амал қилсак,
Ўчмас бўлиб қолар ёдда.
Энг бебаҳо мерос билсак,
Хизмат қилур келажакка—
Отамизнинг доно сўзи—
Отамизнинг аъло сўзи.**

КЎЛМАК

**Элу юртни кўзламай,
Индан чирой изламай,
Шимиб ғафлат лойини,
Хунук қилиб жойини.**

**Моғорлаб у, ивирсиб
Ётади четда нисиб.
Ғазабданми оқар сув,
Кўлмак тишчи бузди-ю
Суриб кетди далага,
Ётмагин, деб панада
Бурчинг оқла тез, деди
Бизга муштоқ ер, деди.**

Гани АБДУЛЛАЕВ

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ДУНЁ ФИЗИКЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

25 СЕНТЯБРЬ КУНИ ХИВАДАГИ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДА «МАГНИТ ВА ЎТА ЎТКАЗУВЧАН МАТЕРИАЛЛАР - 2007» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. 30 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИГАН АНЖУМАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТОМОНИДАН БУЮК БРИТАНИЯНИНГ КЕМБРИДЖ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Халқаро конференцияга айнан Хоразм Маъмун академияси мезбонлик қилаётгани бежиз эмас. Зеро, ўзига хос бетакор маданият ўчоқларидан бири бўлган Хоразм замини дунё илм-фани ва маданияти тараққиётида ўчмас из қолдирган қатор мутафаккир ва олимларни етказиб бергани барчага маълум.

Физик олимларнинг Хивадаги анжуманига халқаро илмий жамоатчилик катта қизиқиш билдирмоқда. Бунга дунёнинг 20 мамлакатидан жами 125 нафар олим конференцияда иштирок этиш истагини билдиргани яққол далилди. Тадқиқотчилар орасида, жумладан, Буюк Британия, Германия, Россия, Франция, Япония, АҚШ, Эрон ва бошқа давлатлар вакиллари бор.

Ўзбекистон Республикасида магнит ва ўта ўтказувчанлик соҳасидаги изланишлар Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида (Ядро физикаси институти, Физика-техника институти, Иссиқлик физикаси бўлими), Ўзбекистон миллий университети, Самарқанд ва Бухоро Давлат университетларида амалга оширилди.

Ўзбекистон олимларининг физика соҳасидаги ютуқлари хорижда ҳам машҳур. Халқаро илмий доиралар вакиллари юртимиз тадқиқотчилари томонидан физиканинг турли йўналишларида олиб бориладиган изланишларга доимо катта қизиқиш билан қарайди. Жумладан, конференция арасида АҚШнинг UPI агентлиги ўзбекистонлик физикларнинг кўш энергетикаси соҳасида эришган муваффақиятларга бағишланган мақолани эълон қилди.

Унда айтилишича, Ўзбекистонда сўнгги йилларда қайта тикланадиган энергия манбаларига, жумладан, қуёш энергиясига бўлган қизиқиш ўсаётгани кузатишмоқда. Бу бир томондан Ўзбекистонда қуёш энергиясини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай иқлим шароити мавжудлиги билан изоҳланса, бошқа бир жиҳатдан қуёш энергетикаси тадқиқотлари борасида кўп йиллик тажриба, ривожланган саноат инфра-тузилмаси ва, энг асосийси, юқори интеллектуал салоҳият унда муҳим омил бўлмоқда. Экспертларнинг фикрича, республика қуёш энергияси ёрдамида ўзининг йиллик электр энергиясига бўлган эҳтиёжини (у нефть ўлчамида йилга 65 миллион тоннани ташкил этади) 4 марта қоплаши мумкин, — дейилади UPI агентлигининг мақоласида.

Ўзбекистон Фанлар академияси ҳар чоракда «Гелиотехника» илмий журналини чоп этади. Нашр мақолалари, асосан, қуёш нурилиши, фотоэлектр энергетикаси ва технологиялари масалаларига бағишланади.

Хозирча мазкур тармоқни ривожлантиришдаги асосий муаммо бошлангич харахатларнинг юқорилиги билан боғлиқ бўлиб турибди. Шунга қарамай, Ўзбекистондаги айрим ўй-жой, қишлоқ ва чорвачилик ҳўжаликларида иссиқ сув билан таъминлаш тизимида қуёш энергиясидан фойдаланишни тажриба тарикасида жорий этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган. Хусусан, БМТнинг Тараққиёт дастури гранти доирасида Ўзбекистон физика-техника институтини олимлари «Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси учун тоза ичимлик суви» лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Унга кўра, «Фотон» ОАЖ мутахассислари 25 та фотоэлектр тизимини яратди ҳамда улар ёрдамида Қорақалпоғистоннинг Ёзқалъа шаҳри аҳолиси электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминланмоқда.

— Айни пайтда Ўзбекистонда ишлаб турган қуёш иншоотлари орасида Тошкент вилояти Паркент туманидаги Материалшунослик институти ҳудудида жойлашган, қуввати 1 мегаватт бўлган «Катта қуёш печи» алоҳида ўрин эгаллайди, — деб ёзади UPI агентлиги.

Бугун Ўзбекистон энергиянинг муқобил манбаларини ривожлантириш йўлида жадал илдамлаб бормоқда. «Физика-қуёш» илмий-саноат уюшмаси ёрдамида ўзбекистонлик олимлар хориқлик мутахассисларга ҳамкорликнинг кенг имкониятларини тақдир этмоқда. Айни пайтда бу йўналишдаги алоқалар Исроил, Дания ҳамда Япония мутахассислари билан йўлга қўйилмоқда.

UPI экспертларининг фикрига кўра, дунёда қайта тикланадиган энергия манбаларига бўлган қизиқиш ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги ютуқлари ва мавжуд илмий салоҳияти унга қуёш энергияси соҳасидаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаш учун қулай имконият яратяди.

«Жаҳон» АА.

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОДМИСИЗ?

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА «АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАЙЛИК» МАВЗУИДА ИНШОЛАР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Ушбу танлов орқали ўқувчиларнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва аънаваларимизни асраш борасида амалга оширилган эзгу ишларни қай даражада англаётганлиги синовдан ўтказилади. Шунингдек, буюк аждодларимиз, уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, улар қолдирган бебаҳо мерос ҳақида нечоғли билимга эга эканликлари баҳоланади.

Ўқувчилар қалбига ягона ғоя — Ватанга садоқат, унинг бугунги ва эртанги кунини унун қайғурши, эл-юрт тинчлигини асрашдек муқаддас йўлда чекинмаслик туйғуларини сингдиришга қаратилган ушбу танлов 5-8-синф, 9-11-синфларда ўтказилади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бундай танловлар истиқлол туғайли неча минг йиллик тарихга эга шаҳарларимиз, улуг алломаларимиз юбилейларининг ҳаққаро миқёсда нишонланиши, 2007 йилда Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган шарафли номининг берилганлиги, бир сўз билан айтганда мустақиллик берган азиз неъматларнинг қадр-қимматини ўқувчиларда ўз фикрлари орқали ёзма ифода этиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Танловнинг республика босқинида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга вазирликнинг дипломлари ва соғвалари топширилади.

Энг яхши иншолар матбуот саҳифаларида чоп этилади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»**



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб
ХИКМАТЛАР

Нарса улашиш—сахийлик эмас. Сахийлик жони ва борини фидо эта билишдир.

Эзгу киши қайғу-аламда одамнинг дардига дармон бўлувчи кишидир.

Узун сўз зерикарли бўлади.

Заковатли одамлар гапни кўп чўзмайдилар.

Кишини синашга бир бор кўрса бас,
Суйар-суймасини тилда сўрса бас.
Мис билан олтинни фарқлай олмаса,
Олиб озгина сир тошин сурса бас.

Ўлимни билувчи ўзига бино қўймайди,
Ўлимни кўрувчи ўзини юлатмайди.

Шахару қишлоқни ташлаб, тоат-ибодат учун тоғу сахрога чиқиб кетиш қанчалик ноқоим бўлса, молу дунё илнжиди тоат-ибодатни унутиш ҳам шунчалик номатқул.

Узатиб ушлаш учун икки қўл берди,
Бирини дунёга тут, бирини охирага.

Юриш учун икки оёқ берди,
Бирини дунёга қўй, бирини охирага.

Истаса, тоат-ибодатсиз қулини ёрлақайди,
Истаса, тоат-ибодатни қадрсизлайди.

Бўғизга ейиш учун керагича жаҳонда ризқ етарли,
Эгнига кийиш учун керагича эгнида кийим етарли.

Элчи дегани бу — воситачи.

Оламда нима борки, унга чора бўлмасин.

Тилаган тилагини билувчиси йўқ,
Юртидагидан қазосини тиювчиси йўқ.

Беглар ишин қилмоқ тиласанг ўзинг,
Кўнгил, тилни соф тут, асрагин сўзинг.
Расму одат била ўрган юмушини,
Юмуш билсанг, ёруғ бўлади юзинг.

Туғилгандан бошлаб ўрганар одам,
Тил сўзни ўрганар соат етган дам.
Киши ўрганишдан доно бўлади,
Билим билган, киши асло бўлмас кам.

Мол-дунёси бўлса, одамнинг билим ва дониш ўрганиши ўнгай бўлади, ҳар қандай эзгу ишларни қилишга қўли етади. Одам мол-дунёга суяниб, тиллакка интилса, у мовий қўкка кўтарилади, бунда мол-дунёси яхшигина таянч бўлади.

Олди-берди қилиш учун одамнинг маблағи бўлмаса, ҳар қандай хайрли ишни қилишга ҳам қўли қисқалик қилади.

Хавасга қул бўлма.

Сўзни сирли тутсанг, дард бўлар фақат,
Инсон ишонч билан топар саодат.

Гапни ўртадан бошласа, охири хайрли бўлмайди.

Одам ўзи учун хизмат эшигини кенг очаман деса, ёшлигидан хизматга тутиниши керак.

Хизматда турадиган одам эҳтиёт бўлиши, тилини ҳам, кўзини ҳам асраши керак.

Уч ишдан йироқ тур, эвидан чиқсанг, мурасасиз бўли: бири—бахиллик, бири—ёлгон, яна бири—суклик. Бу уч ишдан ҳар учаласининг ҳам асл туби йўқлиқдир.

Сўзни тўғри сўзласанг, юзингни ёруғ қилади.

Тилинг фақат эзгуликкагина очилсин.

Содир бўладиган иш то ўзи юз бермагунча кўзга кўринмайди.

Уч нарсадан киши ўзини сақламаса, улар одамнинг бошига етади: бири—ҳукмдорнинг сўзларини қаттиқ сир тутиш, иккинчиси—уларни эл орасига ёймаслик, учинчиси—саройида ноҳўя ишлардан кўзни йироқ тутиш.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Республика «Нуроний» жамғармаси ва жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбарияти ва жамоаси уруш ва меҳнат фахрийси
Азиза ҚАЛАНДАРОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси жамоаси инспекциянинг масъули ходими
Ҳусниддин Абдуллаевич УМАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт — саломатлик гарови

ОРАМИЗДА ТҮРТ МУЧАСИ СОҒ ОДАМЛАР БИЛАН БИРГА ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ БИЛАН НОГИРОН БҮЛИБ ТУҒИЛГАН, ИМКОНИАТ ДАРАЖАСИ ЧЕГАРАЛАНГАН ИНСОНЛАР ҲАМ БОР. БУ ҲАЁТ ШУНДАЙ ҲАМ КЕТАВЕРАДИ ДЕГАНИ ЭМАС. БИЗ ТИРИК ЭКАНМИЗ, МЕХРЛИ ИНСОНЛАР ТАФТИНИ ҲИС ҚИЛИБ ЯШАЙМИЗ, БУ ЭСА ЭНГ КАТТА БАҲТ!

Берилган имконият гарчи чегараланган бўлсада, ундан фойдаланиш даркор, бу албатта осон иш эмас. Шундай бўлсада ўз ҳаракатлари билан соғ одамлардан кўра юксакроқ қўқиларга эришганлар ҳам бор. Улар ўз юртлари равнаки йўлида катта ишлар қилишмоқда. Ватанимиз номини бутун дунёга танитишга ўз хиссаларини қўшиб қилишмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда жуда кўп ўзгаришлар юз берди, илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган имкониятлар ҳозирда Президентимиз саъй-ҳаракатлари, қолаверса жамоат таъкилотлари ва меҳрибон инсонлар эътиборлари туфайли амалга ошмоқда. Бу инсонлар бутун жамиятга, хусусан кўмакка муҳтожларга, ногиронларга ҳам ўз меҳрларини бериб, ғам-ҳўрлик қилмоқдалар. Балки шу боисдан ҳам тез-тез ногирон инсонлардан «Мен ногиронлигимга қарамай ўқияпман, ҳунар ўрганипман, спорт билан шугулланипман ва бундан ўзимни бахтли ҳис этаман», деган дил сўзларини эшитиб қоламиз.

Ҳақиқатдан ҳам спорт нафақат соғ одамларни, балки ногирон ва касалларни ҳам бахтли қила олади. Улар қалбида сўнган оловни аланга олдириб, нур мисоли йўлларини ёритади, тўқислик хиссини ва ҳаётдан завқланиб яшашни, дунё қанчалик гўзалликларга бой эканлигини кўра олиш имкониятини беради. Спорт туфайли ногиронлар иродаси чарчланади, улар ўзларини руҳан тетик сезадилар ва ниҳоят ўзларини соғлом инсонлар билан бир қаторга қўя оладилар. Ногирон спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда эришадиган ютуқлари соғлом спортчиларнинг ютуқларидан кам эмас. Улар Ватанимиз шухратини оширишда соғлом спортчилар билан бир хил қадам ташлашга интилоқдалар.

Маълумки, 1998 йилнинг 18 октябрида Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси, (ҳозирги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги) Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Ўзбекистон Ногиронлар Спорт Ассоциацияси» юзага келган эди. Ассоциацияни тузишдан асосий мақсад, имконияти чегараланган спортчилар соғлигини тиклаш, уларга ғам-ҳўрлик қилиш ва соғлом турмуш тарзини таъбиқ этишдан иборат деб белги-



КУЧЛИ ИРОДА — ҒАЛАБА ОМИЛИ

ланди.

2002 йилда эса Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси Халқаро Паралимпия қўмитасига аъзо бўлди ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси сифатида дунё миқёсида тан олинди. Бу эса ўз навбатида ногирон спортчиларга катта имкониятларга йўл очиб берди. Ассоциация ташкил қилингандан буён бир қатор спартакиада, чемпионатлар, биринчиликлар, ўртоқлик учрашувлари ва турли-туман тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 2004 йил Грецияда ўтказилган Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон илк бор ўзининг спортчилари билан қатнашди. Ҳозирги кунга келиб спортчиларимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаб қилишмоқда. Икки карра жаҳон чемпиони «Байнал-Милал» футбол жамоамиз ва унинг мохир футболчиси, «Жасорат» медали соҳиби Бахтиёр Ражабов, юнон-рум ва эркин кураш бўйича (карлар ўртасида) икки карра Дефлимпия чемпиони Пулат Дўраев, эркин кураш бўйича Дефлимпия (карлар олимпиадаси) ўйинларининг бронза медали соврини Қобил Умбаев, шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайнуллонов, Осиё чемпиони Алишер Анаркулов, Пусанда (Жанубий Корея) бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинларида иштирок этган спортчимиз, икки карра жаҳон чемпиони Юсуф Қодировлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга 2006 йил Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида 18 кишидан иборат жамоамиз иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашган.

2007 йил 27 февраль куни Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси Адлия вазирлигининг 341-сон-



ли қарори билан қайтадан рўйхатдан ўтиб Ўзбекистон Миллий паралимпия Ассоциацияси деб номлана бошлади. Эндиликда Ассоциация Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўзининг кенг қўламадаги фаолиятини бошламоқда. Айни вақтга келиб Ассоциациянинг виллат бўлимлари очилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, Халқаро Паралимпия ўйинларига спортнинг 19 тури қиради. Ўзбекистон ногиронлари учун шашка-шахмат, ўтирадиган (ампутантлар) ва турувчи (карлар): волейбол, голбол: кўзи оқизлар: армрестлинг, пауэрлифтинг, дартс, сузиш, стол теннис; турувчилар ҳамда аравачилар: мийи-футбол, ампутантлар футбол, камондан ва милтқдан ўқ отиш, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо каби спорт турлари бўйича мусобақаларда қатнашиш имконияти мавжуд.

Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ассоциация томонидан бир қатор шахар ва Республика миқёсида мусобақалар ўтказилиб, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиб қилишмоқда.

Ҳаётда ўз ўрнини топиб, тақдир синовларини энг-гир этиб, спорт мусобақаларида юксак марраларни забт этиш — инсондан чексиз матонат, кучли ирода-ни талаб этади. Бинобарин, мана шундай машаққатларни ортда қолдириб, тақдир зарбасига муносиб жавоб бера олган, оиласи, ота-она, устозлари меҳнатини ёруғ юз билан оқлаб келаётган жисмонан ногирон, лекин ақлан, маънан баркамол спортчи-лазимизга омадлар тайлашми, жаҳон ва Осиё чемпионатларида энг баланд марраларни эгаллаб юрши-ларига ният билдириб қоламиз.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Кураш

ЭЛДОР ПЕКИНГА БОРАДИ

ОЗАРБОЙЖОН ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА ЮНОН-РУМ ВА ЭРКИН КУРАШ БҮЙИЧА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАМЮРТИМИЗ ЭЛДОР ҲАФИЗОВГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Олимпиадага йўллама берувчи ушбу мусобақада 100 дан ортиқ мамлакатдан келган полвонлар голиблик учун мурасасиз кураш олиб боришди. Шуниси қувонарлики, юнон-рум кураши бўйича 56 килограммгача бўлган вазилилар тўғрисидаги баҳсларда ҳамюртимиз Элдор Ҳафизов тўртинчи ўринни қўлга киритди.

2008 йили Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиадага йўлланма-ни қўлга киритган Элдорага келгуси мусобақаларда омад ёр бўлсин, дегимиз.

Чарос ШОҒАЙЗИЕВА

Евроосиё ўйинлари

Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Молдова, Беларусь, Украина, Озарбойжон, Ўзбекистон, Литвадан келган минг нафар ёш спортчилар иштирокидаги 10 та спорт тури бўйича ўтказилган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин, 3 та кумуш медалларни қўлга киритди.

Қувонарлики, эркин кураш бўйича ҳамюртимиз Шукрулла Дадажоновга 32 килограмм вазилилар орасида тенг келадиган рақиб топилмади. 69 килограмм вазда Қамшид Аҳадовга кумуш медал таъин этилди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

БЕЛАРУСНИНГ БРЕСТ ШАҲРИДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН I ЕВРООСИЁ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРГА МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.

Найза улоқтириш баҳсларида яна бир ҳамюртимиз Анастасия Свенникова энг яхши кўрсаткични қайд этиб Евроосиё спорт ўйинлари чемпиони номига сазовор бўлган бўлса, Екатерина Воронина кумуш медал таъин этилди.

1500 метр масофага югуриш баҳсларида Гулшанор Сатторовга ғалаба келтирди. Нуфузли турнирга яхши хосиллик кўрган Гулшанор марага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Шифобахш неъматлар

МҮЛ ҲОСИНИДА «ҚУЛЛУҚ» ҚИЛАДИ

БОҒЛАРИМИЗДА ОЛХҲРИНИНГ ШИГИЛ ПИШАДИГАН ДАВРИ КЕЛДИ. ҚИЁМИГА ЕТИБ ПИШГАН ОЛХҲРИ МЕВАЛАРИ ШОҲЧАЛАРИНИ ҲАЁН ЭГИЛТИРМАЙ ҚўЙМАЙДИ.

Олхҳри шифобахш хусусияти билан қадим замонлардан бери халқ табибатида қўлланиб келинади. Жумладан, «Махзан-ул-адиб» китобида баён этилганча, олхҳри аъзоларни юмшатади, у сирганиш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли овқат моддаларининг меъда ҳамда ичакдан ўтишини енгиллаштиради. Сафродан келиб чиқадиган бошнинг қизиб оқиши ҳамда ҳароратли безгак хуружда олхҳри овқатланишдан олдин истеъмол қилинса, фойдаси зиёда бўлади. Олхҳри, айниқса унинг нордон ҳамда чўчқ хиллари қўнғил ози-шини қолдириб, қайит қилишни тўтатади. Олхҳри чанқоқчи босади, юракни халқаролишдан ҳоли қилади, танада қичима тўтса, тўтатади, суяк сафрони ҳайдайди, ширинлиги кўчи бўлган олхҳри меъда ҳамда ичакни юмшатади,

латиф сурги вазифасини ўтайди. Нордон олхҳри иччи қотириш хусусиятига эга.

Ўз даврида буюқ ҳаким Абу Али ибн Сино олхҳрининг хосиятларига қуйидагича таъриф беради. «Ўзиқлиги оздир. Таомдан олдин ейилса фойдали... Елими яраларни битиради, сирка билан қўшилигани темирлаткини йўқотади, хусусан унга асал ёки шакар аралаштирилган бўлса, айниқса, болаларда яхши натижа беради... Елими кўзга тортилганда хар хил тошма ва чиқиларга барҳам беради.

Олхҳрининг хосиятлари замонавий табибёт амалиётида ҳам инobatта олинган. Жумладан, олхҳри қоннинг таркибидидаги гемоглобинни оширишда тавсия этилади. Қора олу номи билан юритиладиган олхҳри нави қон босимини тушириш, унинг мевалари таркибидидаги калий тузалари танада мавжуд бўлган ортиқча сув ва тузлар чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Шу туфайли уни буйрак касалликларидан ҳам тавсия этилади. Шунингдек, олхҳри атеросклероз, ревматизм, подагра, буйрак ва ўт пўфағи дардлари билан оғирган беморларга буюрилади.

Доришнослик соҳасида олхҳрининг данак мағзидан шифоли мой олинади. **ДОНО ҲУҲАЕВА,** олий тоифали доришнос



Изоҳнинг ҳолати йўқ.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«Молиявий таҳлил» кафедраси мудири ва қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» катта ўқитувчи; «Ўзбекистон тарихи» доцент, катта ўқитувчи; «Банк иши» катта ўқитувчи; «Молия» катта ўқитувчи; «Иқтисодий география ва экология» доцент; «Солиқ ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи; «Сугурта иши» катта ўқитувчи; «Чет тиллари» ўқитувчи; «Иқтисодий назария ва иқтисодий педагогика» доцент; «Бухгалтерия ҳисоби» катта ўқитувчи, ўқитувчи; «Фалсафа» катта ўқитувчи; «Ўзбек ва рус тиллари» доцент, ўқитувчи, «Аудит» доцент; «Информацион технологиялар» доцент, катта ўқитувчи; «Жисмоний тарбия» ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашшни хоҳловчилар Тошкент шаҳар, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ҳодимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 134-66-58



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашир кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилади.
Қороз бичими А-2

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларида ёки
«Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонни
муружаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишдорлик компьютер
марказида терилиб ва сақланади»
«Шарқ» нашрий-матбоба акциядорлик компанияси
босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Топширилган вақти: 13:00